

## Президент Шавкат Мирзиёев: «Биз учун Туркменистон – минтақадаги ишончли ва муҳим ҳамкор»



Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедов “Кўксарой” қароргоҳида тор доирадаги учрашув ўтказдилар.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қутлар экан, ушбу учрашув Ўзбекистон-Туркменистон стратегик шериклик муносабатлари тарихида янги саҳифа очишига ишонч билдирди.

- Улар замирида азалдан мустаҳкам дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва ўзаро қўллаб-қувватлаш ришталари ётади, - деди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон етакчиси Туркменистон Президентини жорий йил март ойида ўтган Президент сайловидаги ғалабаси билан яна бир бор табриклади.

- Донишманд туркман халқи мамлакатдаги кенг қўламли ислохотлар давом эттирилишини тўлиқ қўллаб-қувватлаб, сизга ўз келажагини ишониб топширди. Сизнинг билим ва тажрибангиз, куч-ғайратингиз ва етакчилик қобилиятларингиз кўзланган барча режаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилишига шубҳа йўқ, - деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатларда юксак даражага эришишга ва Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга қўшган беқиёс ҳиссасини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли икки томонлама ҳамкорликнинг барча йўналишларида ижобий суръатга эришилганини мамнуният билан таъкидлади.

- Шунни қайд этмоқчиманки, биз учун Туркменистон – минтақадаги ишончли ва муҳим ҳамкор. Бизнинг кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги интилишимиз қатъий, энг яқин қўшнимиз билан стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ниятидамиз, – деди Президентимиз.

Туркменистон Президенти меҳмондўстлик ва самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раисининг саломини етказди.

- Сиз Гурбангули Мяликгулиевич билан биргаликда икки томонлама муносабатларнинг пойдеворини қурдингиз ва мустаҳкамладингиз, ҳамкорликнинг пухта сиёсий ва ҳуқуқий асосини яратдингиз. Бу галги давлат ташрифимиз стратегик шерикликка янги сурҳат бағишлашга қаратилган ва мен қўйилган мақсадларга эришишимизга ишонаман, – деди Сердар Бердимухамедов.

Учрашув чоғида давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Туркменистон ҳамкорлигининг истиқболларини муҳокама қилдилар, алоҳида эътиборни савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ўзаро савдони кўпайтириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш, транспорт-транзит имкониятларидан фойдаланишга қаратдилар.

Томонлар ҳудудлараро ҳамкорликни йўлга қўйишда улкан салоҳият мавжудлигини қайд этдилар.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Марказий Осиёда қарор топган ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик муҳитини мустаҳкамлаш муҳим экани таъкидланди.

Сердар Бердимухамедов Ўзбекистон Президентини ўзига қулай вақтда Туркменистонга жавоб ташрифи билан келишга таклиф этди.

